БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 3 июль Сешанба № 123 (13.559). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ



2 июль душанба куни эрталаб соат 10 да Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди иш бошлади.

Съездни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев очди. У партия анжуманига 4683 делегат сайланганини, 4657 делегат съездга келганини маълум қилди. Съездга барча иттифоқдош республикалардан партия ташкилотлари юборган ишчилар ва деҳқонларнинг вакиллари, делегат бўлмаган КПСС Марказий Комитети аъзолари ва аъзолигига номзодлар, Марказий тафтиш комиссиясининг аъзолари, комсомол ходимлари, марказий идораларнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг бир қанча ходимлари ҳам таклиф этилган.

Делегатлар съезд президиумини, секретариатини, таҳрир ва мандат комиссияларини сайладилар.

Мунозарадан кейин кун тартиби тасдиқланди. Кун тартибига «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари» маърузаси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзолигига номзодларнинг, КПСС Марказий Комитети котибларининг ҳисоботлари, Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботи, партиянинг бюджети ва мол-мулки тўғрисидаги масала, съезднинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий Баёноти ва КПСС Устави лойиҳалари, КПСС Марказий назорат комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳаси, партия марказий органларини сайлаш киритилди. Бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилиш кўзда тутилди.

Шундан кейин делегатлар съезднинг иш тартибини кўриб чиқишга киришдилар. Жумладан, партия анжуманини ўн кун давомида ўтказишга қарор қилинди. Шу кунлардан бирини тематик секциялар ишига бағишлаш белгиланди.

Эрталабки мажлиснинг охирида, қисқа танаффусдан кейин съезд кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қилишга киришди. «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари» мавзуида КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев маъруза қилди.

Беш йил мобайнида биз турмушнинг ҳамма соҳаларида инқилобий сакраш қилдик, деб таъкидланади маърузада, бу эса бизга асосий довонга чиқиб олиш имконини берди. Ҳозир масала шу тарзда турибди: ё совет жамияти бошланган чуқур ўзгартишлар йўлидан олға боради — бунда буюк кўп миллатли давлатимиз муносиб келажакка эришади ёки қайта қуришга қарши кучлар устун бўлиб қолади — бунда, ҳақиқатни яширишнинг ҳожати йўқ, мамлакат, халқ бошига қайғули кунлар тушади. Хуллас, биз сидқидилдан гаплашиб олишимиз керак.

Съезд, деб уқтирилади маърузада, 1985 йил апрелида бошланган бурилиш ўринли бўлдими? Биз ҳозир социализм тушунчасини қай маънода англаяпмиз, ички ва ташқи сиёсатда қайси қоидаларга амал қилмоқчимиз? Халқнинг турмушига таъсир қилаётган ва ҳақли равишда норозиликка сабаб бўлаётган инқирозли ҳолатларни қандай қилиб бартараф этса бўлади? Ватанимизнинг тақдири қандай бўлади ва биз мустақил давлатлар иттифоқини қандай қилиб қурамиз? Янги шароитда партиянинг ўрни қандай бўлади? Унинг ўзи сиёсий, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан қандай бўлиши лозим? Биз халқнинг ишончига сазовор бўлган меҳнаткашларнинг инқилобий ташкилоти — КПССни қайта тиклаш учун нималар қилишимиз керак? — деган саволларга жавоб қайтариши лозим.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида

КУН ТАРТИБИДА — БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида 30 июнь куни вазирликлар ва идоралар, иттифоқ аҳамиятига эга бўлган бирлашмалар ва корхоналар раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кенгаш бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишга бағишланди.

Шу масала юзасидан жумҳурият Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Давлат план қўмитасининг раиси Б. С. Ҳамидов ахборот берди.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида катта оилалар, болалар, ветеранлар, ногиронлар, пенсионерлар, талабалар ҳамда кам маош оладиган бошқа тоифадаги шахсларнинг нормал турмуш шароитини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Бу тадбирлар жумҳуриятимизда тайёрланаётган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш программасига асос қилиб олиниши керак.


Бу ишни халқ хўжалигининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишига доир қонун ҳужжатларини, асослаб берилган таклифларни тайёрлаш жумҳурият комиссияси йўналтириб ва мувофиқлаштириб турибди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов бошчилик қилаётган бу комиссия Ўзбекистон ССРнинг давлат ва иқтисодий суверенитети асосий қоидаларига, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди, XII чақириқ жумҳурият Олий Шўроси иккинчи сессияси қарорларида, ҳукуматнинг жумҳурият халқ хўжалигини соғломлаштириш ва унинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш программасида баён қилиб берилган ижтимоий ва миллий сиёсат принципларига амал қилмоқда.

Ишчи гуруҳлари тузилди, уларнинг эътибори бошқариладиган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш программасини ишлаб чиқишнинг аниқ муаммоларига қаратилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Р. А. Попов, Ўзбекистон ССР Олий Шўроси Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, жумҳурият вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, У. К. Исмоилов, Ўзбекистон ССР Олий Шўроси доимий қўмиталарининг раислари қатнашдилар.

(УзТАГ мухбири).



Талабалар учун ёзги синов ва имтиҳонлар даври тугаб, таътил онлари бошланди. Кимдир ишлаб чиқариш практикасига йўл олди, яна кимдир талабалар отрядлари сафида бўлишни афзал билди.

Сиз суратда кўриб турган ёшлар — Сурайё Абдураҳмонова ва Нодир Холмирзаевлар Қарши Давлат педагогика институтида ўқишади. Улар бугунги кун талабини жуда яхши англаб етишган. Келажакда улар тарбиялаган авлод вакиллари жамиятимиз равнақини белгилайди.

Жўра БОБОРАҲМАТ суратга олган.

Муаммо ҳал қилиниши керак

«Уюрмаланиш»

Шамол натижасида ернинг нураши кучайиб бормоқда — мутахассислар Наманган вилоятидаги ерларни текширганларидан сўнг шундай хулосага келдилар. Бунинг сабаби мавжуд тартибнинг «бузилишида», аниқроғи ерларни муҳофаза қилиш, ихотазорлар бунёд этишдаги тартибсизликларда кўринмоқда. Кўпинча ихотазорлар кейинчалик йўқ қилиб юборилмоқда.

Вилоят ўрмон хўжалиги ҳар йили ўрта ҳисобда 150 гектар ерга ихота дарахтларини ўтқазади. Ўтган йили атиги 103 гектар ерда ихота дарахтлари ўтқазилди. Бу йил эса аҳвол жуда чатоқ — 33 гектар ерда ихотазорлар пайдо бўлади. Шу даражада орқага кетилди. Ўрмон хўжалиги ходимлари, таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик асосида дарахт ўтқазишади — улар ўтган йилдан бери ана шу иш учун бир тийин ҳам ҳақ олишмади. Бунинг устига, ана шу иш учун ким ҳақ тўлаши кераклиги ҳалигача номаълум.

Авваллари пул билан боғлиқ муаммолар бўлмасди. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси тимсолида — аввалига янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш хўжаликлараро кенгаши, кейин вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси тимсолида пудратчиларга мунтазам равишда маблағ ажратиларди. Вилоят деҳқончилик-саноат қўмитаси тузилиши билан ихота дарахтзорлари яратиш ишларига ҳалақит берила бошланди, баъзи ерларда эса тўхтатиб ҳам қўйилди. Бу муҳим соҳа эътибордан четда қолиб кетди. Тупроқ нураши бўлимининг ходимлари қисқартириб юборилди, уларнинг вазифасини бажаришни эса ҳеч кимга топширишмади. Табиийки, маблағ билан таъминлаш манбаи ҳам қуриб қолди.

Унумдор ерлардан зарар кўраётган ва ёрдам олишдан жуда ҳам манфаатдор бўлган деҳқонлар ҳам ўрмон хўжалиги ходимларига ёрдам бериш учун қурбилари етмайди. Биргина По[illegible] ноҳиясида кучли тўзонли шамоллар ҳар йили ўрта ҳисобда ярим миллион сўмлик зарар келтиради. Ихота дарахтлари ўтқазиш учун эса бир неча баравар кам маблағ талаб этилади. Хўжаликлар ўзларини қутқариб қолишга етарли пулни ҳеч тўплай олмаяптилар. Амал[illegible]рлар вилоятда пухта, бир бутун ихота дарахтзорларини яратиш қай даражада фойдали эканлигини ҳисоблаб чиқсалар ёмон бўлмасди.

Лекин ихота дарахтзорларини яратиш системасини қарор топтириш тўғрисидаги масала янги яшил «қалқонлар» ўтказиш муаммосигагина бориб тақалмайди. Эски кўчатларни ҳам яхшилаб парвариш қилиш керак. Лекин шундай бўлмаяпти. Ўрмон хўжаликлари ўтқазилган дарахт кўчатлари жонланиб, униб-ўсишини тўрт йил кузатиб борадилар. Кейин улар хўжаликлар ихтиёрига берилади. Натижада улар кўпинча хўжасиз бўлиб қолади — кўчатлар сақланиши қанчалик муҳимлигини тушунган раҳбарлар уларни парваришлаш учун на одам, на маблағ, на техника ажратиш имкониятига эга. Натижада дарахтлар қуриб кетмоқда. Дарахтлар қуригандан сўнггина улар ўрнида янги ихотазорлар яратиш тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилади. Масалан, Ильич номли давлат хўжалигида кўчатларнинг учдан бир қисми, «Наманган» давлат хўжалигида учдан икки қисмига яқини қуриб қолди, «Найман» давлат хўжалигида 65 гектар майдондаги дарахтларнинг атиги 15 гектари, «Навбаҳор» давлат хўжалигидаги 375 гектар ўрмонзорнинг атиги 191 гектари сақланиб қолган.

Бунда ҳам ноҳия, ҳам вилоят миқёсидаги баъзи раҳбарлар «ёрдам беришмоқда». Чунончи, вилоят ипакчилик бошқармаси тут кўчатлари ва дарахтларини... илдизи билан кесиб ташлашга киришди. Қурилиш ташкилотлари эса пайдо бўладиган барханларга «текин» қум қазиб оладиган жой сифатида қарашмоқда. Ҳеч ким бундай арбобларнинг мушугини пишт демайди.

Хуллас, ушбу муҳим иш манфаатларини ўйлаб жамоа хўжалиги ва давлат хўжаликларидаги ихота дарахтларини парвариш қилишни шартнома асосида бутунлай ўз зиммасига оладиган ягона соҳиб — ихтисослашган ташкилотга топшириш мақсадга мувофиқдир. Ишни ўрмон хўжалигининг бўлинмаларига топшириш ҳам мумкин. Аммо маблағ билан таъминлаш муаммосини ҳал этмай, бу иш билан ҳеч ким жиддий шуғулланмайди. Ишнинг бошқа бир томони — вилоят деҳқончилик уюшмаси билан вилоят табиат муҳофазаси қўмитаси ходимларининг ташаббуси ҳамда ишчанлиги ҳам ундан кам аҳамиятга эга эмас. Бироқ етарли ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлмаган қўмита ўз қарорларида «эътиборга олинсин», «масъулият кучайтирилсин» қабилидаги маълум қолипдаги кўрсатмалар билангина чекланишга мажбур бўлмоқда. Бундай таъсирсиз гаплар билан тартиб ўрнатиб, ихотазорларнинг яхлит системасини вужудга келтириб бўлмайди. Аниқ ва равшан, масъулиятли ижрочи керак.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

Шу сонга хабар

Деновлик гўзал

ҲОЗИР турли конкурслар ўтказиш билан ҳеч кимни ҳайрон қолдиролмайсиз. Ажойиб либослар билан ясаниб олган гўзаллар беллашадиган йирик шаҳарларни гапирмай қўяқолайлик, ўз одамларинг, маҳаллий вакилалар орасидан гўзалларнинг гўзалини излаб топиш эса бутунлай бошқа нарса. Денов марказий касалхонасида шундай мақсадни кўзлаб, фақат ташқи кўринишнигина диққат марказига қўйганлари йўқ. Албатта, гўзаллик, жозиба бўлиши керак. Лекин ҳамшираларнинг маҳоратлари, ҳазил-мутойибага мойилликлари, адабиёт ва санъатни, халқ анъаналарини билишлари биринчи ўринга қўйилди. Ҳар ким ҳам бундай имтиҳонга чидайвермайди. Лекин Ш. Авазова, Г. Жўраева ва Г. Умарбекова конкурс шартларини ҳаммадан ҳам яхши бажаришга муваффақ бўлишди. Уларнинг учови меҳр-мурувват ва раҳм-шафқат имтиҳонидан муваффақиятли ўтиш билан бирга, рақс, адабий, қўшиқ конкурсларида ҳам маҳоратларини ажойиб тарзда намоён этдилар.

Бўлажак фабрика учун кадрлар

БУ ЕРДА шойи тўқиш фабрикаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. У фойдаланишга топширилиши билан кўҳна Булоқбоши қишлоғининг минглаб аҳолиси, асосан қишлоқ ёшлари ўзларига иш топадилар.

«Андижанирстрой» тресети билан ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг бир қанча бўлинмалари жамоалари фабрикада пардозлаш ишларига киришдилар. Бинокорлар муҳим иншоотни муддатидан уч ой илгари — улуғ байрам арафасида қуриб биткс азишни ният қилганлар.

Янги фабрика ҳар йили қимматли тўқимачилик хом ашёсидан 182 тонна калава ишлаб чиқаради.

Фабрика ҳали қурилмоқда, айни вақтда 450 нафар ишчи ва мутахассис тайёрлаб қўйилди. Бу ишчилар ва мутахассисларнинг ҳаммаси қишлоқда яшайди, улар Марғилон ипак комбинатида, Наманган аврли газламалар комбинатида ва Шаҳрисабз шойи тўқиш фабрикасида ҳунар ўргандилар. Йил охиригача қишлоқ аҳолисидан яна камида 200 киши мутахассисликка эга бўлади.

Янги фабрика билан ёнма-ён учта саккиз хонадонга мўлжалланган уй ва 190 ўринли болалар боғчаси бунёд этилмоқда.

Курсантлар дўстлиги

ИККИ марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони зирҳли-танк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Ленин орденли Тошкент танк командирлари олий билим юртида миллатлараро муносабатлар кабинети пайдо бўлди. Курсантлар бу ерда ўз она тилларидаги рўзнома ва жаридаларни, китобларни ўқиш учун тўпланишади. Махсус жиҳозланган стендлар ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятнинг муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилади. Шу стендларнинг ҳар бирида ўша жумҳуриятдан келиб таҳсил олаётган курсантларнинг фотосуратлари бор.

Кабинет бугун бўлажак командирларни ҳаяжонлантирмай қололмайдиган миллатлараро муносабатлар муаммолари юзасидан қизғин баҳс ва мунозаралар ўтказиладиган жойга айланди.

Билим юртида 42 миллат вакиллари таҳсил олмоқда ва улар ўртасида миллатлараро негизда можаролар келиб чиқмаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Шу сонга хабар

МАКТАБДА ТОПШИРИЛГАН ИМТИҲОНЛАРГА ҚАРАБ

Бобур номли Андижон Давлат педагогика институтига ўқишга кираётган қирқ нафардан кўпроқ йигит ва қиз математикадан кириш имтиҳонлари топширишдан озод қилиндилар. Мактабда битириш имтиҳонларини топшириш чоғида олинган «аъло» ва «яхши» баҳолари уларга шундай имконият яратди.

— Олий ўқув юртларининг муаллимлари имтиҳонларда қатнашиб, ўқувчиларнинг билимларидан қаноат ҳосил қилишди, — деди институт ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Қосимов.

— Агар тажриба яхши натижа берса, уни бошқа фанларда ҳам синаб кўрамиз. Бу мактабнинг обрўсини оширади, биз эса яхши саводхон, ўқитувчиликка лаёқати бўлган талабамизга эга бўламиз.

Бу йил олий ўқув юртларида яна бошқа янгиликлар ҳам кўп бўлди. Масалан, қабул комиссиясининг қарорига асосан, олтин ва кумуш медаль олган ёки педагогика билим юртини аъло баҳоларда тугатган йигит ва қизлар дастлабки суҳбатдан сўнг талабалар сафига қабул қилинадилар.

Андижон педагогика институти кундузги бўлимга тўққизта мутахассислик бўйича жами 500 талаба қабул қилади. Олий ўқув юрти бу йилдан Тошкент шаҳри учун, шунингдек Сурхондарё ва Наманган вилоятлари учун ҳам ўқитувчилар тайёрлай бошлайди.

(УзТАГ).

Бизни ўйлантираётган муаммолар

АДОЛАТНИНГ СЎҚМОҚЛАРИ ТИКАНЛИ

СТАЛИНИЗМ ва турғунлик даври халқ қалбидаги кўпгина муқаддас нарсаларни ситиб чиқарди. Ўша йиллари жамият сохтакорлик йўлига кирди. Муборак қонлар эвазига барпо этилган тузумда муқаддас туйғу ва ғояларнинг кўпи унут бўлди. Ҳаракатимиз дардчил, йўлимиз туманли, олий мақсад — ижтимоий адолатли жамиятни барпо этиш сари йўлимиздаги ишлар ҳам носоғлом ҳаракатнинг ўзгинасига айланди. Бугун биз шундай бекатдамизки, ундан уёғига фақат йўналиш маълум. Бу — қайта қуриш, жамиятни чуқур, тубли демократиялаш, 1985 йил апрелигача бу йўналиш ҳам шундайгина бекат ёнбошиданоқ туман ичига кириб кетган эди. Ленин партиясининг келажак асрлар ва авлодлар олдидаги инқилобий хизмати шундан иборатки, у мана шу туман ичида ҳаракатнинг аниқ йўлини босқичма-босқич ойдинлаштириб бормоқда.

Эндиликда жамият «ёки-ёки» жумбоғи олдида турибди. Октябрь шарофати билан вужудга келган бу жамият ё ўзида куч топиб, ўзини-ўзи поклаб, янгилаб, хилма-хил хасталиклардан халос бўлиб олади, ёки боболаримиз, оталаримизнинг ижтимоий адолатни барпо этиш йўлида тўкилган покиза қонлари ҳайф... Уларнинг инқилобий руҳлари бугунги мужмал, ўз шахсиятидан нарини кўролмайдиган сўқирларни абадул-абад кечирмайди.

Хўш, бу дардлар ва хасталиклардан қутулиб олиш мумкинми? Унга қандай кучлар тўғаноғу, кимлар тиш-тирноғи билан қарши?

Адолатнинг қарор топишига биринчи ва энг даҳшатли тўғаноқ нафс балоси — таъмагирлик, порахўрлик. Бу иллатдан халос бўлмаган ҳеч бир жамият, ҳеч бир фирқа ёки бошқа ижтимоий уюшма соғлом бўлишга, адолатпешаликни даъво қилишга қодир эмас. Билъакс, бу иллат илдиз отган жамиятда демократиялаш, покланиш, янгиланиш ҳақидаги ҳар қандай жозибадор шиор-у қарорлар яна догматизм ботқоғига, сохтакорлик йўлига бошлайверади. Бу иллатдан халос бўлмаган ҳар қандай фирқа, унинг ғояси халқ қалбини чулғаб олиб, «қудратли ҳаракатлантирувчи куч»га айланмайди — қуруқ сафсата бўлиб қолаверади.

Биз катта-кичик, паст-баланд минбарлардан порахўрликни фош қилишга барҳам бериб, бу ижтимоий иллатга қарши чинакамига, кун сайин, изчил партиявий кураш олиб боришимиз керак. Биринчи галда сайлаб қўйиладиган, тайинланадиган, тасдиқланадиган органларда жойлашиб — «сайланиб», «тасдиқланиб» олган порахўрларни тугатганимиздагина биз жамиятимизда чинакам қадр-қимматни маънавий жиҳатдан тиклай оламиз. Айни пайтда Шўро органларида, хўжалик механизмининг турли бўғинларида, ҳуқуқ-тартибот органларида покланиш жараёнини узил-кесил охирига етказмоқ лозим. Акс ҳолда қанчалик ниқобланмасин, линбосини янгилаб, шакли-шамойилини ўзгартирмасин, порахўрлик бизнинг эзгу ишларимизга путур етказаверади, ғояларимизга эътиқод сусаяди, адолатли ижтимоий тенглик жамиятини барпо этишдан иборат пировард мақсадимизга ишонч қолмайди — жамиятда тобора жиноятчилик уюшган тус олиб, одамлар ўртасида лоқайдлик, бефарқлик, ҳадикни кучайтира беради.

Порахўр ҳеч қачон халқнинг назаридан четда — «алоҳида ихоталанган» ҳолатда яшай олмайди. Эртами-кечми у фирқадошлари, меҳнаткашлар, «назарига тушади». Кадрлари, катта-кичик ташкилотчилари орасида бу дардга мубтало бўлган фирқа, жамоат уюшмаси халқнинг чинакам жанговар раҳнамоси мавқеини ҳам маънавий, ҳам амалий жиҳатдан сақлаб қола олмайди. Демак, ҳар қандай уюшма ўз сафларини чинакамига узил-кесил поклаши керак. Бунинг синалган қуроли танқид — ҳақиқий, холис, ошкора танқиддир. Ҳолбуки, кейинги пайтда аниқ танқид ҳам бирмунча сусайтириб қўйилдики, худди шу ҳолат меҳнаткашларда қайта қуриш муқаррарлигига ишончни бир қадар сусайтирди.

Иккинчи тўғаноқ — сўзамоллик, чиройли «қанотли» ибораларга қуллик. «Оқ олтин», «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади», «Тошкент технологияси», «Поп варианти», «Хоразм тажрибаси...» Эҳ-ҳе, турғунлик йиллари не-не иборалар, қиёслар, ўхшатишлар ижод қилмадик. Не-не саройларда, чўллардаги муваққат минбарларда уларнинг муаллифлари шаънига гулдурос, давомли қарсаклар янграмади. Афсуски, бутун ишни тубдан қайта қуриш жараёни ҳам бу иллатга тамомила чек қўя олмаётир. Акс ҳолда илгари ўзини бадном қилиб қўйган, қора қилмишлари элда унут бўлиб улгурмаган кимсалар демократиялаш ниқоби остида яна саҳнанинг олди қаторига ўтиб олаётганликларини қандай тушуниш мумкин? Бундай кимсалар ўзларини илгариги раҳбарият томонидан қувғинга учратилган, туҳмат қилинган ҳолатда тасвирлаб, турғунлик даври сўзамолларидан қайта қуриш жангчиларига айланиб олмоқдалар. Бу ҳолат ҳам жумҳуриятда маънавий, руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатаётир.

Худди шу ўринда Шекспир қаҳрамони оддийгина бир рўмолчани қанчалик қадрлаганини, ўшани деб жону жаҳонини қурбон қилганини эслаш кифоя. Ўша классик образ ва унинг хатти-ҳаракатида оламжаҳон фалсафа ётади. Адолатга, ҳақиқатга чанқоқлик бу фалсафанинг негизи. Хайриятки, айниқса Ўзбекистон ССР Олий Шўроси сессияси иқтисодиётни мустақиллик йўлига олиб чиқишга доир амалий қадам бўлди. Сўзамоллик ўрнини халқимизнинг бугуни ва эртасини ўйлаб ишлаш руҳи эгалламоқда. Пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш, деҳқон меҳнатини баҳолашда янгича мезонларга ўтиш, тарихимиз ва маънавий қадриятларимизга янгича муносабат бу руҳнинг дастлабки нишоналаридир.

Аммо дарҳол шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, булар ҳали чиндан ҳам дастлабки нишоналардир. Ҳали улар ечилиб, Ленин айтганидек, одатга айланган нарсалар бўлиб қолиши керак. Аҳолисининг салкам ярми қашшоқ ҳолатда яшаётган, фақат 3 фоизга яқин қисмига тўғри келадиган ойлик даромад 200 сўмдан ошиб-ошмайдиган жумҳуриятимизда булар олдимизда турган катта ишлар ва сайъи ҳаракатларнинг бошланишидир.

Биз минбарларда баландпарвоз нутқлар сўзлаш қобилиятимизни кун сайин чинакамига унумли, фойдали ишлай олиш, масалаларни тубли қўя билиш ва ечиш маҳоратига алмаштира олганимиздагина бу йўлдаги ҳаракатимиз кутилган натижани беради. Аксинча, кўп гапириб, мужмал ишлаш иллатидан қутила олмасак, тўпланиб қолган муаммоларни кун сайин бартараф эта олишга иродамизни кўрсата олмасак, вайсақилардан фарқимиз қолмайди. Ҳар бир киши — у раҳбарми, сиёсий арбобми, оддий ишчи ёки колхозчи бўлсин, — ўз нияти пок, холис, таг-заминли эканлигини амалий ишда кўрсатсин. Зеро, адолат маддоҳлик эмас, амалий қадамлар ҳосиласидир.

Учинчи иллат — жумҳуриятимизда чуқур илдиз отган иллат, — бу қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик. Бу иллат яшаш учун ўзига муҳит топган жойда адолат юзига тупроқ тортилади. Чунки ўзиникини қўйиб, ўзгага ҳақиқат қиладиганлар анқонинг уруғи.

Ҳикоят қиладиларким, болалар уйида тарбияланиб вояга етган бир мутахассис вилоятда катта мансабга лойиқ кўрилибди. У одиллиги, ҳақиқатгўйлиги, билан ном қозона бошлабди. Аста-секин «қариндош»лари ҳам топила бошлабди. Ҳалиги ходим кўз очиб умрида кўрмаган бир қария «отангман» деб келибди. Ҳаммалари бирон жумбоқ билан келишармиш; «ота» пенсия олмасмиш, «тоға» ноҳия раҳбарлари «қувғинига» учраганмиш», «амма»ни болалари уйдан чиқариб юборибди, бошпанаси йўқ эмиш...

Ана шунақа. Бирор киши амалга миндими, атрофида ўн хил «чилик»лар пайдо бўлади: қариндошини суд ҳукмидан олиб қолиш керак, бўласига «ёғли» иш бериш зарур, жияни янги квартиранинг калитини қўмсайди, ўғли «Жигули»ни қўйиб, «Волга» минишни орзу қилиб қолади. Қарабсизки, ҳамма ёқни таниш-билишчилик тўри қоплайди. Нособит кадр ўз яқинларининг роҳат-фароғатидан бўлак нарсани ўйламай қолади. Хаёлида фақат бир нарсани — таниш-билишлар доирасини юқорилаштиришни ўйлайди, холос. Хўш, шундай иштиёқ билан адолатпарвар бўлиш мумкинми?

Бу иллатдан қутилиш осонми? Қийин, жуда қийин. Лекин қутилиш шарт. Акс ҳолда қайта қуриш осмони фалакдаги жозибадор шуъла бўлиб қолаверади. Муқаддас байроғига «ижтимоий адолат» сўзлари ёзилган фирқа ўз ғоялари учун собит курашчиларни тарбиялаб, майдонга олиб чиқмас экан, яна ва яна орқага «назар» ташлашга маҳкум этилаверади, улуғ Ильич башорат қилганидек, ишларини неча марталаб қайтадан, янгидан бошлашга мажбур бўлаверади.

Қайта қуришнинг бош душмани — тўрачилик. Бу тўғрида алоҳида тўхталиш ўринли, чунки, бу иллат турли уюшмалар-у, бутун бошқарув системамиз барча бўғинларида муайян даражада илдиз отиб, яхши-яхши режалару-дастурларнинг тагига сув қуймоқда.

Тўрачилик фирқани халқдан, комсомолни — йигит-қизлардан хийла бегоналаштириб қўйди. Шу ўринда бир воқеа ёдга тушади. Ўшанда Каттақўрғонда ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Иноят Туропов билан юзма-юз суҳбатлашиб қолгандик. Гап бир аризагўйга эътибор берилмагани, аксинча, у кишини қоралаш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишгани ҳақида борарди. Иноят тўра қандай вазифада ўтирганини, ким билан суҳбатлашаётганини унутди, бурама кресло суянчиғига ястаниб олиб, чайқалиб ўтирганича ўша аризагўйга муомаласини эслади: «Мана шу учинчи қават деразасини ланг очиб: «Менинг айтганим бўлади бу ерда. Қўшилмасангиз қани, пастга ташланг ўзингизни! Ташлай олмайсиз? Қўрқасиз! Жон ширин!» — дедим».

Иноят тўра отаси тенги одамга қилган муомаласини завқланиб эсларди. Суҳбат чоғи:

— Ишчан, қобилиятли мутахассислар ноҳиядан кетиб қолишаяпти экан, —дедим. — Масалан, муҳандис, фирқа аъзоси Омон Назаров қўшни вилоятга ўтиб кетипти. Бунга сабаб нима?

— Мен Назаров билан гаплаша олмадим, — ўзича афсусланди Туропов ва суҳбатда қатнашаётган ноҳияқўмнинг иккинчи котиби Эшқувватовга ишора қилди. — Мана ўртоқ Эшқувватов унинг фирқа ҳисобидан чиқариш ҳақидаги ҳужжатига имзо чекиб юборибди.

Шу аснода иккинчи котиб қиёфасидаги ўзгаришни бир кўрсангиз эди! У алланечук бурқсиб кетганди. Бунинг сабабини қўшни кабинетга ўтиб, Эшқувватов билан суҳбатлаша бошлаганимизда тушундик.

— Иноят Туропович нотўғри гапираяпти, — деди у. — Ўша ҳужжатга ўзи қўл қўйган..

Фирқаларни ҳисобга олиш кичик бўлимидаги тегишли ҳужжатларни кўздан кечириш бу фикрни тасдиқлади. Тўғри бу — ўша турғунлик йиллари воқеаси. Лекин ҳали ҳозиргача тўрачилик иллатидан қутила олмай инсон тақдири ҳақида гап борганда ҳақиқатни, қадр-қимматни оёқости қилаётганлар қанча. Тўрачилик дардига мубтало бўлган киши ҳамма масалага нафсоният нуқтаи назаридан ёндашади. Бундай зот лавозим курсисига ёпишиб олиб ўз йўриғини ўтказаверади, социалистик турмуш тарзимиз принципларини оёқости қила беради.

Ҳа, тўрачилик ўзининг бутун «қудрати-ю кўлами» билан қайта қуриш жараёнига ҳам чатишиб кетди. Акс ҳолда арз-додлари ноҳия ва вилоят марказларида бафуржа тингланмай, Тошкент ва Москва шаҳарларига отлиқми-яёв қатнаётган аризагўйлар оқими нега сусаймаётир? Одамлар дардига нега жойларда малҳам қўйиш мумкин эмас?

Бу тўрачилик касофатидир. Кўзи кўр, қулоғи кар одамгина тўрачилик бутун бошқарув механизмимизни субутсизлантириб, обрўсизлантираётганини пайқамаслиги, ундан ташвишланмаслиги мумкин. Яна «амал фароғати»ни бузишни истамаган раҳбарларгина бу иллатни инкор этиб, уни ўз нуқтаи назарлари билан изоҳлашлари мумкин: «Шикоятчи бўлган, бўлаверади».

Эътиқод хусусида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Биз аввало эътиқод тушунчасининг моҳиятини бузиб юбордик. Лаганбардорликни эътиқод деб англаш одат бўлиб қолди. Югуриб бориб қора машиналар эшигини очиш эътиқод намойиши деб талқин этилди, тақдирланди. Каттага тақлидона гапириш, кўзойнак тақиш, кийиниш — эътиқод намойиши деб қабул қилинди. Охири ҳилвираб, енгилгина шабада кўтариб ташлаб, учириб ўйноқловчи варракка айланиб қолганимизни англадик.

Бугун эътиқодимиз собитми? Қайта қуриш пировардида Михаил Сергеевич Горбачев талқин қилганидек якун беришига ҳаммамиз ишонамизми?

Билмадим...

Энди бир савол туғилади: наҳотки беш йиллик қайта қуриш, янгиланиш жараёни ҳам ўша турғунлик даври саҳросига сингиб кетган жайҳунсифат бўлса? Ижтимоий адолат йўлимиз саробдан чиқа олмаса?

Йўқ, мутлақо бундай эмас. Биз шу беш йил ичида муайян тажриба орттирдик, сабоқ чиқардик. Бу тажриба, бу сабоқ айниқса жумҳуриятимиз меҳнат аҳли учун ибратомуз бўлди. Бу, тажриба, бу сабоқ йўли Ўзбекистон Коммунистик фирқаси Марказий Қўмитасининг 1984 йилги XVI пленуми билан 1989 йилги XVI пленуми оралиғини туташтирди, Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг биринчи сессиясидаги кўпгина маърузалардан қизил ип бўлиб ўтди. Ҳозир ортиқча шовқин-суронсиз, ортиқча тамға босишларсиз — жиддий, туб янгиланиш йўлидан бормоқдамиз. Бу йўл жумҳуриятимизни иқтисодий мустақилликка етказиши керак. Акс ҳолда Иттифоқда адолат барқарор бўлмай қолаверади, сув йўлини очган, оч-ноҳор ғўза чопиб, пахта териб, унинг тойларини вагонларга юклаган одамларнинг косаси оқармай ўтаверади. Буни қарангки, жумҳуриятимиз энг кам даромад топадиган кишилар миқдори жиҳатидан Иттифоқда ягона. Жон бошига энг юқори даромад жамғариш кўрсаткичи жиҳатидан охиридан биринчи.

Ёки бошқа гап. Жумҳуриятимиз заминидан йилига 40-41 миллиард кубометр газ сўриб олинади. Аммо унинг ўз шаҳарларининг тўртдан бири, қишлоқларининг саккиздан еттиси газлашмаган. Ер остидан газни сўриб олинаётган ўша Қашқадарё қишлоқларида ҳамон тезак, туяқорин, янтоқ ўчоқ бошида асосий манба. Боз устига, бу йил газлаштиришнинг ўсиши... 0,9 фоиз миқдорида белгиланганига нима дейсиз?

Гаплар шундай.

АМАЛИЙ ИШЛАР шундай бўлиб қолмаслиги керак. Ўзлигимизни намоён этиш пайти келди. Бугун шуни қилмасак, эртага ҳам турмуш даражамиз Иттифоқда охиридан биринчилар қаторида қолаверади, ерларимизни шўр босиб; ҳавомиз заҳарзаққумга тўйинаверади. Охири юртнинг сабр-косаси тўлиб, келгуси авлодларнинг тавқи-лаънатига қоламиз, аммо бу лаънатлаш адолатли бўлади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Чорвачилик—зарбдор жабҳа!

ИШ ЮРИШИБ КЕТГАНДА

ГУРЛАН ноҳиясидаги «Коммуна» жамоа хўжалигининг чорвачилик комплекси наслдор бузоқлар етиштириб бериш билан шуғуллана бошлади. Хўжалик говмиш сигирларнинг дастлабки 125 тасини қўшни Ленин номли ва Киров номли жамоа хўжаликларига жўнатди.

Мана кўп йиллардирки, «Коммуна» жамоа хўжалигида наслчилик билан муваффақиятли шуғулланилмоқда. Хўжалик усулида қурилган янги комплекс бу ишни яхшилашга ёрдам берди. Энди бу ерда энг янги қурилмалар билан жиҳозланган наслчилик фермаси бор. Бошқа участкаларда ишлаш ҳам осонлашди. Сут соғиш, овқатлантириш, бинoларни тозалаш ишлари тўла механизациялаштирилган. Бу ходимлар штатини қисқартириш имконини берди, кўпгина сут соғувчилар эса илгаригига қараганда кўпроқ сигирларни ўз қарамоғларига олдилар.

Ем-хашак базасига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йили кўп йиллик ўт-ўланлар ва маккажўхори етиштириладиган майдонлар кенгайтирилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ икки марта ўриб олинган беда майдонлари яхши ҳосил берди.

«Коммуна» жамоа хўжалиги давлатга ҳар йили 120 тоннадан кўпроқ гўшт ва 800 тонна сут сотмоқда. Бу йилги мавсумда бу кўрсаткичларни оширишга қарор қилинган.

(ЎзТАГ).



НАМАНГАН. Тўрақўрғон ноҳиясидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида намунали деҳқон хўжалигини ташкил этишга етарлича эътибор берилмоқда.

Шу йилнинг бошида хўжалик раиси Сотиволди Ғаффоров Валижон Обидовни ҳузурига чақириб шундай деди:

— Сизга 10 сўтих ер, 15 минг сўм пул берсак, мол-ҳол олиб, боқиб, хўжаликка сотсангиз. Сиз учун ҳам, биз учун ҳам фойдали бўларди.

Валижон розилик билдирди. Тўғрисини айтганда, ишлар бирданига кўнгилдагидек юришиб кетгани йўқ. Қийинчиликлар бўлди. Айниқса, ем-ҳашак масаласи анча қийнаб қўйди.

Валижон Обидов бозордан 12 сигир сотиб олганди. Тирик вазнда ўртача 3 сўму 50 тийиндан тўғри келганди. Хўжаликка 2 сўму 88 тийиндан топширишга тўғри келди. Шу ҳисобдан у икки минг зарар кўрди. Ҳозирча ишлар ана шунақа.

СУРАТДА: Валижон Обидов бозордан яна битта сигир харид қилди. Ҳали у ниятидан қайтганича йўқ. Келажакдан умиди катта.

А. КОВТУН сурати. (ЎзТАГ).

Хорижидан хабарлар

ЭЛЧИХОНА ЎҚҚА ТУТИЛДИ

ПАНАМА. (ТАСС). АҚШнинг қароргоҳи Панама ҳудудида жойлашган жанубий қўмондонлиги жумҳуриятдаги Америка объектларида хавфсизлик тадбирларини кучайтирди ва барча ходимларнинг алоҳида фармойиш бўлмагунча ҳарбий базалардан чиқиб кетишини тақиқлади.

Панама пойтахтида амалга оширилган террорчилик ҳуружи ана шундай чоралар кўришга сабаб бўлди. Номаълум кишилар шаҳар марказидаги Америка элчихонаси биносини автомат қуролдан ўққа тутдилар ва жанубий қўмондонлик денгиз пиёдалар бўлинмаси жойлашган канал зонасидаги уйларнинг деразаларига бир неча бор ўқ уздилар. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким шикастланмади. АҚШ ҳарбий полицияси суиқасд тафсилотларини тергов қила бошлади.

Чет эл агентликларининг хабар беришича, «М-20» деб аталмиш гуруҳ террорчилик ҳуружи учун масъулиятни ўз зиммасига олди. Тахмин қилинишича, собиқ ҳарбий режим тарафдорлари ана шу гуруҳга аъзодирлар.

ДЕКЛАРАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА

БРЮССЕЛЬ. (ТАСС мухбири Валерий Шашков). НАТО кенгашининг давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари даражасида июль ойининг бошларида Лондонда ўтказиладиган сессиясининг қатнашчилари Варшава Шартномаси ташкилотига аъзо давлатларга ҳужум қилмаслик тўғрисида декларация қабул қилишни мўлжалламоқдалар. НАТО бош котиби Манфред Вернер Блок қароргоҳида журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб ана шу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, бундай декларация тайёрланмоқда. Бироқ, унинг узил-кесил шакли қандай бўлиши ҳали аниқ эмас.

Спиртли ичимликларнинг аёллар ва эркаклар организмига турлича таъсир қилиши маълум. Масалан, ичувчи аёллар касалликка кўпроқ чалинадилар.

Тиббиётдаги сўнгги хулосаларга қараганда бу фарқ ошқозондаги махсус моддалар фаолияти билан боғлиқ экан. Илгари алкоголнинг оғир оқибатлари билан фақат жигар «курашади» деган нуқтаи назар ҳукмрон бўлса, энди спиртли ичимликдаги заҳарни парчалашда ошқозон ҳам катта роль ўйнаши аниқланди. Эркакларда шу заҳарнинг 20-30 фоизи парчаланса, аёлларда бу кўрсаткич жуда паст экан. Уларнинг касалликка тезроқ чалиниши сабабини ҳам шундан излаш керак.



СУРАТДА: бу ёшгина қизнинг эртанги куни қандай бўларкан?

ТАСС сурати.

Сохта хизматчилар аниқланди

НАЙРОБИ. (ТАСС мухбири Юрий Герасимов). Кения соғлиқни сақлаш вазирлигида ходимларни текшириб чиқиш натижасида беш мингга яқин «ўлик жон» аниқланди. КНА агентлигининг хабар қилишича, мазкур «ходимлар» армияси фақат қоғозда бор бўлиб, улар муассасаларга сира келиша олмасди, албатта. Бу «хизматчилар»нинг вазирликда 1911 йилдан буён, яъни мустақиллик қўлга киритилганидан кейин ташкил қилинган бу идоранинг вужудга келишидан анча олдиндан ишлай бошлаганликлари ва айни пайтда ҳар ойда маошларини олиб турганликлари аниқланганида текширувчилар ҳайратдан донг қотишди. Шунга ўхшаш вазият маориф вазирлигида ҳам фош этилди. Бу ерда ҳам ўқитувчилар составида бир неча минг «ўлик жон» бамайлихотир маош олиб юрган экан.

Бундай аҳвол, деб таъкидлайди агентлик, Кениядаги бошқа давлат муассасалари учун ҳам хосдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, йўқ одамлар ва сохта ходимлар учун маош олиш билан боғлиқ фирибгарликлар давлатга юзлаб миллион Кения шиллингига тушди. Бу пуллар раҳбар лавозимлардаги уддабурон кимсалар чўнтагига тушиб кетди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МАШҲУР ИСМЛАР

⊙ БУЮК БРИТАНИЯНИНГ Гэллап институти 50 минг аҳоли орасида сўров усулида тадқиқот ишларини олиб борди. Энг машҳур исмларни аниқлаш бирдан-бир мақсад эди. Шунинг учун одамларга 70 эркак ва аёл исми ҳавола этилди.

Маълум бўлишича, Майкл ва Эмма исмлари энг машҳур ва оммавийлашган экан. Улардан сўнг («эркак исмлар») Жеймс, Марк, Жон, Уильям, Дэвид, Пол, Мэтью ва аёллар исмидан Рейчел, Ребекка, Анна, Лора, Сюзан, Самантàлар «Машҳур исмлар» руйхатидан ўрин олган.

ЭНГ ГАВЖУМ ШАҲАР

⊙ БУНДАН атиги бир неча йил муқаддам Токио шаҳри аҳолисининг зичлиги жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда турарди. Эндиликда эса, биринчиликни Филиппиннинг пойтахти илиб кетди. Агар Япония пойтахтидаги ҳар квадрат километр жойда 14221 киши яшаса, Манилада ҳар квадрат километр майдонга 46997 киши тўғри келади, деб хабар беради «Манила бюллетин» рўзномаси. Гарчи, Манила ўз аҳолисининг умумий сони жиҳатидан кўп давлатларнинг пойтахтларидан орқада бўлса-да, аҳоли зичлиги жиҳатидан биринчи ўринда.

Бироқ, шаҳар мэри ўринбосари Д. Лакунанинг айтишича, бу рекорд кўрсаткич маҳаллий муниципалитетни қувонтирмаяпти. Чунки шаҳар хўжалигига жуда катта оғирлик тушяпти.

ҲАРОРАТ КЎТАРИЛМОҚДА

⊙ КЕЙИНГИ пайтда Ердаги иқлим хусусида ҳар хил фикрлар билдирилмоқда. Биров ерда ҳарорат кўтарилади деса, бошқаси аксинча — совийди, дейди. Лекин олимлар иқлимнинг иккала томонга ўзгаришини ҳам (исиб ё совиб кетишини) ҳалокатли, деб билишади.

Франциянинг «Пари-матч» жаридасида ёзишларича, 2050 йилга бориб, сайёрамизда ҳарорат 2 даражадан беш даражагача кўтариларкан. Демак, ўз-ўзидан маълумки асрий музликлар эрий бошлайди. Натижада кейинги асрнинг охирига бориб, денгиз сатҳи 2 метрга кўтарилади. Жаридада айтилишича, Мальдив ороли дунё харитасидан йўқоларкан. Бангладеш ҳудудининг чораками денгиз остида қолади. Нил дарёси дельтасини (у ерда Миср аҳолисининг 95 фоизи яшайди) Ўрта Ер денгизи «забт» этаркан.

Олимлар «Пари-матч»нинг юқоридаги фаразларини синчковлик билан илмий асосда кўриб чиқишга киришди.

Мусиқа хиёбони

Сиз шоир Муҳаммад Юсуф шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни Ғ. Бойтоев, М. Азимов, О. Мадалиев каби хонандалар ижросида кўп эшитгансиз. Жамоатчи мухбиримиз шоир билан учрашиб, унга қўшиқ ва шеър мавзусида бир неча саволлар билан мурожаат этди.

ЭНГ БАХТЛИ ОНЛАР...

— Суҳбатимиз бироз ғайриоддий бўлади, Муҳаммад ака. Мен энг аввало, ота-онангиз ҳақида сўзлаб беришингизни истардим.

— Улар оддий кетмон кишилари. Шеърларимга кўп қизиқишмайди ҳам. Момом Турсунбиби ҳозир тўқсон ёшдалар. Отин ойи дейишади, одамлар. Шеърият даргоҳига мени шу момом етаклаб кирган. Энди жим бир чеккада кузатиб ўтириб-ди. Мен нимани ёзган бўлсам ўша зот туфайли...

Гоҳо, момом кексайган сари, мен ҳам бўшашиб кетаётгандай бўламан.

Айтишларича, бобомиз дутор чертиб қўшиқ куйларканлар. У киши шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган. Хуллас, бир етим отанинг «дайди шоир боласиман...»

— Улар шоир бўлганингиздан розими?

— Билмадим. Ҳар ҳолда камроқ нафим тегди уларга. Ёнида юрсам, қўлтиғига кирсам ёмон бўлмасди, албатта. Аммо қисмат, нима дейсиз!

— Бугунги шеърият, тенгқурларингиз ҳақида қандай фикрдасиз?

— Уларнинг барчаси алоҳида бир дунё. Энг муҳими, ўзларига талабчан.

Мирзонинг шеърлари одамни ўйлантириб қўяди. Усмон Қўчқор энциклопедия. Сирожиддиннинг турган-битгани ҳаяжон. Ҳавас қиламан уларга.

Баъзан бировлар шоирларга шеър ёзишни ўргатишади уялмай. Ҳақиқий шеър ундай, бундай деб. Шеърнинг нималигини ҳеч ким билмайди. У ҳамиша ҳар хил жило қилади. Уни бир жойидан ушлаб олиб бўлмайди.

— Кейинги йилларда кўп шеърларингиз қўшиқ бўлди... Уларга ўзингизнинг муносабатингиз?

— Маҳмуджон Азимов яқинда бир нарсани гапириб берди. Режиссёр унга «Самарқанд» ашуласини айттирмабди. Сабабини сўраса, «грустная песня» дебди. «Ўзбекконцерт» режиссёри ўзбек тилини билмаганидан кейин қўшиқчиликнинг аҳволи нима бўларди, дейсиз.

Улуғбек ҳақидаги қўшиқ маъюс бўлмай қанақа бўлсин, ахир!

Шамоллар ҳақида қўшиқ айт, дебди соқолли режиссёр хонандага. Бошқа соқоли йўғи эса, пахта ҳақида қўшиқ сўрайди, эртага...

Айрим хонанда дўстларим матбуотда чиққан шеърларимни қўшиқ қилиб куйлашмоқда. Ҳеч қандай ҳамкорликсиз, ўзларига ёққанича куйлашади. Менинг уларга эътирозим йўқ, чунки мен қўшиқ ёзмайман.

Инсон ҳамиша бир нарса топса, нимадир йўқотади. Кўпгина шеърларим қўшиққа айланиб, озгина эътибор топган бўлсам, эҳтимол шунча талабчанликни ҳам йўқотгандирман.

— Мендан ранжиманг-у, айрим шеърларингизни умр йўлдошингиз ҳамиша ҳам тўғри тушунадими? Масалан «Қўйнимда бир ёр-у, кўнглимда бир ёр...»

— Жиддий айтсам, баъзан тушунмовчилик ҳам бўлади. Ҳазиллашиб айтсам, шоирнинг тўғри шеъри ҳеч қачон хотинига ёқмаган.

Сиз айтган шеър маъноси эса, кўпчилик ўйлаганидек бир ёқлама эмас. Инсоннинг ёри битта бўлади. Бироқ Армон ҳам инсонга ёр бўлиши мумкин-ку! Эҳтимол, кўнглимда бир ёр деб, мен худони назарда тутгандирман.

— Ўтган йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида сизнинг «Совға» номли мақолангиз кўпчилик эътиборини тортди. А. Ориповдан бошқа яна кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

— Менинг бир қўлимдан «Ёшлик» журнали, бирисидан эса марҳум халқ ёзувчиси Назир Сафаров етаклаб адабиётга олиб кирган. Бу бир умр ёдимдан чиқмайди. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар агар мени шогирдликка лойиқ кўришса, албатта шогирдлариман. Чунки, дастлабки шеърларимнинг ёзилиши, матбуот юзини кўришида ҳам уларнинг ёрдамлари чексиз бўлган. Эндигина илк китобчам чоп этилганида улар мендан ҳам кўра кўпроқ суюнишган.

Мен улардан ҳамиша миннатдорман. Устоз дегани, фақат шеър ёзишни ўргатмайди. Энг аввало ўзингда йўқ бўлса ҳам, беқарор ишончингни қатъийлаштиради.

Худди ўша сиз айтган рўзнома саҳифасида мен шоирлик осон эмас, унинг азобларини фарзандларимга раво кўрмайман, деган эдим. Ҳозир ўша гапларимни эсласам, уялиб кетяпман. Чунки, юқоридаги шахслар кўрган азобларининг мингдан бири ҳам менинг бошимга тушган эмас...

— Нима учун ҳар доим қизларнинг сочларига «осилаверасиз». Масалан, «Кокилингни ким кесди ёр...»

— Чунки, қизларнинг сочидан бошқа осиладиган жойи йўқ. (Ҳазил). Назаримда, сочларга қўшилиб ўзбекона ўрф-одатларимиз ҳам қирқилиб бораётгандай туюлаверади. Аслида-ку, гап сочда эмас. Сочи узун бевафо ҳам бўлиши мумкин-ку. Эҳтимол, сочлар қирқилмаётгандир. Сувлар айбдордир. Ким билади дейсиз?

Эҳтимол оғир меҳнат туфайли улар тўкилаётгандирлар. Қизлар мени фақат узун кўйлак кийиб, узун соч ўстириб юриш тарғиботчиси деб ўйламасинлар. Ҳар ҳолда, мен қонимга сингиб кетган ўша қадим манзарадан ажралишни истамайман. «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига».

— Нима учун китобларингиз кам нусхада босилади?

— Билмадим. Эҳтимол шундай бўлгани ҳам маъқулдир. Бизда китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар бор. Менимча, улар муаллифларимизни мутлақо билишмаса керак. Балки ўзбек тилини билишмас. Рус тилидан таржима китоблар юз минглаб нусхада босилади. Қисқаси, бу саволингизга жавоб бериш мен учун ноқулай.

Китобларимнинг тез сотилиб кетганидан эса, албатта хурсандман.

— Сиз кўпроқ нималарни ёқтирасиз, ёки аксинча...

— Тандирда ёпилган нонни яхши кўраман. Отларни яхши кўраман. Ҳокисор одамларни яхши кўраман. Ялпизни, сув ўтларини яхши кўраман. Майсалар устида ағанаб ётишни яхши кўраман.

Гуруҳбозликни ёмон кўраман. Хушомадгўй одамлар билан суҳбатлашиш мен учун азоб. Шеър ўқишни ёмон кўраман.

— Муҳаммад ака, агар сиз Хизрга йўлиқиб қолсангиз-у, «тила тилагингни» деб сўраса нимани сўраган бўлардингиз?

— Сокин бир гўшада хаёл суриб ўтиришни... Яна истардимки, эй, Ҳизр бобо, одамларга айтинг, бир-бирларини ғийбат қилишмасин! Ахир, шундай ҳам озгина умр кўрамиз. «Бўлар элнинг боласи бир-бирини дейди, бўлмас элнинг боласи бир-бирини ейди» деган нақл бор. Мен истардимки, биз бир-бirимизни асрайлик!

Хосият РУСТАМОВА
суҳбатлашди.



Қарши педагогика институти қошида ташкил этилган «Ибо» қизлар дастаси кун сайин воҳада танилиб бораётган навқирон дасталардан.

Илм даргоҳининг хушовоз, иқтидорли, аълочи талабаларидан иборат даста аъзолари ўз репертуарининг рангбаранг ва қизиқарли бўлишига интилмоқдалар. Ёшлик, муҳаббат, она юрт ҳақидаги қўшиқлар ёш хонандалар ижросида дилбар янграмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) «Ибо» дастаси аъзолари И. Бобоқулова, М. Қурбонова, К. Оқилова, Ш. Муқимова, С. Талимоваларни кўриб турибсиз.

Сурат муаллифи Ж. БОБОРАҲМАТОВ.

Сиз севган қўшиқ

С. САЙЙИД сўзи,
Ш. ЖЎРАЕВ мусиқаси.

КУЙДИМ

Мен ишқ элининг нолаю афғонида
куйдим,
Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим.

Меҳрин тилабон ўтса агар ошиқи зорлар,
Меҳримни бериб мен эса товонида
куйдим.

Мушкул эди йўл, ранж ила изҳорига
етдим,
Сизлар кўйида, мен эса домонида
куйдим.

Ташбеҳига шул дурур ўзга қиёс йўқ,
Соч толасидин токи гирибонида куйдим.

Ишқ аҳли фиғон этса агарким,
Ёнида юриб ҳам яна ҳижронида куйдим.

Дунёйи азалнинг ғазалий матлаъи булдур.
Бошлаб ҳама ишни ани поёнида куйдим.

Мен ишқ элининг нолаю афғонида
куйдим,
Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим.

ИСТАКЛАР ИЖОБАТ БЎЛАДИ

«Сиз ёқтирган хонанда» ойнасўзи остида берилаётган материаллар бизни беҳад хушнуд этмоқда», — рўзномамиз «Мусиқа хиёбони» саҳифаси номига ана шу мазмундаги мактублар кўплаб келиб турибди. Куй-қўшиқ шайдолари З. Суюнова, О. Мадалиев, Ю. Усмонова, Қ. Мирашуров, Б. Умаров каби кўплаб ёш ўзбек хонандалари ҳамда «Битлз» ансамбли раҳбари Жон Леннон ҳақида маълумот беришимизни сўрашган. Уларга ва «Сиз севган қўшиқ» ойнасўзига таклифлар, талаблар юбораётган муштарийларимизга шуни маълум қиламиз: истакларингизни албатта инобатга оламиз.

Саҳифамизни мазмунан бойитиш учун ҳисса қўшаётганлигингиздан миннатдормиз.

«Шайтоний» рақслар

Урта мактабни битириш кечаси. У кечагина ўқувчи бўлган барча инсонлар қалбида абадий сақланиб қолади. Бундай фараҳли, файзли, қувноқ ва ғамгин кечани куй ва рақссиз тасаввур этиш мумкинми?

Американинг Миссури штатидаги Пэрди шаҳри маҳаллий ҳокимияти бу саволга мумкингина эмас, шарт ҳам, деб жавоб беришади. Битириш балларининг бу ерда тақиқ этилганига кўп эмас, оз эмас, роппа-роса 100 йил тўлди. Ҳозиргача тақводорлар кўп бўлган, мингга яқин аҳолига эга бу истоҳда бир замонлар оталар шундай қарорга келишган. Табиийки, рақсни «шайтоний», «пургуноҳ» деб атайдиган черков қонунчилигининг бу ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келади.

1990 йил апрелининг ўрталарида АҚШ Олий суди(!) Пэрдидаги мактабнинг 21 ўқувчиси ва улар ота-оналарининг билим даргоҳида рақс уюштиришни тақиқлашдек эскирган ҳукмни бекор қилишни сўраб этган арзини кўриб чиқди ва қарор чиқарди. Арзчиларни жумладан АҚШ федерал музофот ҳакамми Россел Кларк ҳам қувватлаган эди. Унинг фикрича, бундай тақиқ черковни давлатдан ажратиш ҳақидаги Конституция қоидаларини бузишдан бошқа нарса эмас. Бироқ Фемида ҳомийлари арзни ҳеч қанақа изоҳсиз бекор қилдилар.

Шунга қарамай Пэрдидаги йигит-қизлар учун мактабни битириш бали қўшни Монетт шаҳрида уюштириладиган бўлди. Аммо шуни айтиш лозимки, бу ўз туғилган кунингни бегоналар уйида нишонлашдек гап.

К. АЛИЕВА,
таржимаси.

Санъатга ошно йигит

Томошабинларга тўла залда сукунат... Конферансье эълонидан сўнг «Дилхирож» куйи янгради. Саҳнанинг бир томонидан беқасам тўн, шойи белбоғли, бошига қийиқ танғиган йигит парвоз қилишга шайланаётган бургут мисол чиқиб келди. У куйга монанд қўлларини, оёқларини, елкаларини, юз-кўзларини сирли қочирим, шўхлик ва жўшқинликка тўлдириб рақсга тушарди. Куй авжида икки оёқларини куйга мослаб букар, ўтирар ва тезликда гоҳ у ён, гоҳ бу ён қайрилиб саҳнада сузиб кетарди. Йигитларга хос шиддат билан чиройли ва киши қалбига ғулу солувчи рақсга тушарди. Раққосни эса залдаги томошабинлар олқишлашди.

Ўшанда Алишер ўрта мактабнинг 9-синфида ўқирди. Азалдан расқ, мусиқага ошно бўлган бу йигит «Марҳабо талантлар» телевизион фестивалининг лауреати номига сазовор бўлган эди. Ўзига хос ижроси билан эл назарига тушган Алишерни кўпчилик яхши таниб олди. Асакалик Алишер Мелибоев десалар дарров «Дилхирож»га ўйнаган йигитми, дейишадиган бўлгани рост гап.

Отаси талай йиллар дор остида айиқ ўйнатган эди. Ўшанда ўғли Алишер ҳам бундай томошаларда қатнашар, юрагида келажакда санъаткор бўлиш орзуси аллақачон туғилганди. У шаҳардаги 1-мактабни битиргач, ҳарбий хизматга чақирилди. Совет Армиясида ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, андижонлик моҳир санъаткор Абдуғаффор Қодиров раҳбарлигидаги «Андижон полькаси» ансамблида иш бошлади.

Шу ерда у «Андижон полькаси», «Доира», «Жазоир», «Дугава», «Ёғоч ўйини» рақсларини ўрганди. Алишер раққос бўлиб жуда кўп жойларга борди. Жумладан, Молдавия, Испания ва Москва шаҳарларида бўлган турли фестивалларда иштирок этиб, ўзининг севимли рақсларини қардош дўстлари ҳукмига ҳавола қилди.

...Айни пайтда у мактабгача педагогика билим юртида ўз соҳаси бўйича мураббий. Талаба раққосаларга «Навбаҳор», «Бахт ялласи», «Нозик ниҳолим» ва мақом руҳидаги рақсларни ўргатди.

Рақсга жон-дили билан меҳрини берган раққос йигит бу йил Наманган маданий-оқартув техникумининг битирувчиси. Бу билим юртини тамомлагач, ўз устида янада тинмай изланади.

Мукаррама ХОЛМАТОВА,
Андижон вилояти.

Хотира



ЗУЛМАТДАГИ ҲАЙҚИРИҚ

Владимир Висоцкийни мусиқа мухлисларига таништириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ўзига хос овоз билан жамиятимиздаги иллатлар ҳақида ҳайқириб куйлаган бу хонанда таъқиб ва тақиқлар остида қисқа умр кўрган бўлса-да, қўшиқ шайдолари қалбида мангу из қолдирди.

В. Висоцкий ўзини хонанда деб билмас эди. У шеърларини ўзига хос услубда мухлисларига етказувчи шоир деб биларди ўзини. Вафотидан сўнг «Асаб», «Йўлнинг тўрт чораги» каби китоблари чоп этилди. Ижоди СССР Давлат мукофотига лойиқ деб топилди. Унинг «Қизлар ҳақида роман» ёзганлигини кўпчилик ҳам билавермаса керак. Кино, қўшиқ санъатига муносабат билдирган жўшқин публицистикаси эндиликда турли магнит лентаталаридан кўчирилиб, китоб ҳолига келтирилган. Умуман олганда биз ҳали бу улкан хонанда ва шоирни бор бўй-басти билан кашф этишга улгуролганимиз йўқ.

Бугун биз В. Висоцкийнинг қўшиқ қилиб айтган шеърлари таржималарини чоп этмоқдамиз. Бу улкан санъаткорни кашф этишимизда бир пиллапоя бўлса, деган орзудамиз.

Владимир
ВИСОЦКИЙ

ЗАМИН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

«Уруғ ташлаб овора бўлманг,
Замин тамом куйди» деган ким?
Ким — Заминни ўлди деб айтган, —
У фақат бир лаҳза қолди жим.

Оналиги — Ернинг туганмас,
Бўлганидек денгизга сув хос,
Ким ишонди Замин куйди деб,
У андуҳдан қорайди холос.

Ўйиқ ўхшар дардбахш ярага,
Траншея — чавақланган тан,
Замин биздек сезгир жисми-ла,
Дардларни ҳис қилар дафъатан.

Ногиронлар сафига қўшманг,
Барчасига мағрур чидар у,
Ер куйламас дея ким айтди,
Ким айтди: Ер сукутда мангу?

Йўқ, ўлмаган, Она Ер сўзсиз,
Вужудидан артмоқда қонни,
Замин ахир бизнинг жонимиз,
Ахир топтаб бўлармиi жонни?!

Замин ўлди дея айтар ким?
Бир муддатга қолгандир у жим.



Суяк ташланг итларга ахир,
Бир бирларин таласин ғингшиб,
Бадмастларга арoқ берингиз
Ичгач, улар қолишар тинчиб.


Қарғалар ҳам семирмасин кўп,
Қўрқитгани нарсалар қўйинг.
Севишганлар севсин, беринг жой —
Бурчагидан муаззам уйнинг.

Балки берар бир кун нишона,
Уруғ сепинг бағрига ернинг.
Итоаткор бўламан мен ҳам,
Тезроқ менга Озодлик беринг!

Гўшт беришса, қаранг, итларга
Талашмади, — бу қандай одат?
Ароқхўрга ароқ тутсалар
Ичмайман, деб у ҳам этди рад.

Чўчитсалар ҳамки қарғани
У одамдан қўрқмади сира.
Жуфтларга жой беришди, улар,
Ажралишга излайди чора.

Сув қуйишди ерга муттасил,
Дарак йўқдир, ажаб, уруғдан...
Кеча менга Ҳурлик беришди,—
Энди уни нима қиламан?



Кул ранг костюмдаги қоп-қора одам—
У вазир бўлгандир, бошлиқ, ҳарбий
ҳам.
Масхарабоз янглиғ турқин юз туслаб,
Ўпкангга туширар, ногоҳ, бесабаб.

Совуқ табассум-ла қирқар қанотим,
Ҳайқириғим «дод»га ўхшар гоҳ
шундан,
Мен эса азобдан тишлаб лабимни
Оҳиста инграйман: Шукур, тирикман.

Иримчи эдим мен, изладим таъбир,
Бир кун тугар дедим, барчаси бекор...
Ҳатто кабинетга юлқиниб кирдим,
Сўнгра қасам ичдим: Келмайман
такрор!

Мен ҳақимда кимдир гап ёйди гоҳ
кез:
— Парижга қатнайди қўшни
қишлоқдай,
Юртдан ҳайдаш керак бундайларни
тез,
Тавба, бошлиқларнинг кўзи қаёқда?

Ҳовлим, маошимдан сўзладилар сўнг,
Гўё пул домига кетганмиш мукка,
Олинглар, барчасин сизларга бердим,
Олинг уч хоналик зиндонимни ҳам.

Эл-юртга танилган шоир дўстларим
Оҳиста, ғурур-ла қоқиб елкамга
Менга насиҳатлар бердилар бари:
— Қофия қилмагин «одам»ни
«ғам»га.

Баногоҳ тугади шунда бардошим,
Сенсираб қошига бордим ўлимнинг.
Ҳайқириқдан чўчиб, келолмай яқин,
У кўпдан пойларди менинг йўлимни.

Ҳакам саволидан қочиб юрмасман,
Жавоб бергум зеро этсалар талаб.
Умримнинг энг сўнгги лаҳзасигача
Яшадим шу мўъжаз юким орқалаб.

Аммо ёлғон надир, нима муқаддас
Мен эрта англадим, бўлсам-да ғариб,
Менинг йўлим битта, шу холос,
дўстлар,
Бахт танлаш имкони этмаган насиб!

* * *

Ҳеч кимса йўқ, қанча хўрсиниа.
Қани сен-ла учрашсак шу тоб,
Сен хат ёзгин менга, Марина,
Телефонда қайтаргум жавоб.

Бўлсин икки йил аввалгидек
Учрашайлик кунга, мангуга.
Бизнинг висол доим тасодиф —
Тушунарсан, кечирарсан ҳам.

Мени бунча эркалаб суйган,
Билмагайман, ўзга бир қўлни.
Бундай қўлни денгизчилар-у,
Соғинади ҳам менинг кўнглим.

Энди қўшиқ айтмам ҳеч кимга,
Хушнуд этмас балки бу хабар.
Турмага ҳам тушгум сени деб,
Мукофот деб тушунсанг агар.

Етказишса, сендан ўзга ҳеч,
Кимса керак эмас деб менга,
Сен ишонма, ҳали ҳижрон-у,
Ишқ заҳрин кўп ичурмиз бирга!



Қўшиқларим тақиқ этилган,
Ҳазили йўқ, имоним бутун —
Қирқ кунча оч яшаса бўлар,
Сувсиз — етти, менсиз-чи — беш
кун!!.

Амирқул КАРИМ
таржималари.

«ХИТОЙ ДЕВОРИ» ОША

Яқинда Хитой Халқ Жумҳуриятининг Шеньян дорилфунуни билан 70 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Тошкент Давлат дорилфунуни ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Музокаралар олиб бориш учун олимларимиздан бир гуруҳи Хитойда бўлиб қайтишди. Мазкур делегация таркибида иштирок этган тарих куллиёти декани А. С. САЪДУЛЛАЕВ билан сафар таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.



— Анатолий Саъдуллаевич, маълумингизким кечагача фан догматик ақидаларга таянган мафкурага бўйсундирилганди. Ўз-ўзидан бу илмий тафаккурнинг тизгинлаб турившини билдирарди. Ушбу ҳолдан ташвишланиб, академик П. Капица: «Илм-фанни маъмурий аппарат таъсиридан соқит қилиш, фанни ташкил этишда жамоатчилик иштирокини фаоллаштириш зарур», деб ёзган эди. Таассуфки, тўрачилик таъсирида фан жаҳон илм аҳли билан дадил муносабатга киришиш ўрнига ўз қобиғига ўралаверди. Бора-бора илм дунёсида ахборот тақчиллигига ҳеч ким эътибор ҳам бермай қўйди. Шукрки, қайта қуриш сиёсати фанни ўз қобиғидан ситиб чиқишига туртки берди. Башариятни умумий дардлар бирлаштираётган дамда илм аҳиллари ҳам қўлни-қўлга бераётирлар....

— Дарҳақиқат, жамиятимизда узоқ вақт ҳукм сурган фикрий сакталикдан фанчалик жабр кўрган соҳа бўлмаса керак. Мудҳиш хатолар орқасидан келиб чиққан фожиалар ҳақида кўп гапирилаяпти. Гапириш зарур ҳам. Токи бундайин кулфатлар такрорланмасин. Илғор миллатлар доимо «фанни ватаннинг энг юксак қиёфаси» даражасига кўтариш учун қайғурганлар. Бизнинг ана шу қиёфага эга бўлмоғимиз шарти мактабларда, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган салоҳиятли ёшларни таниш ва тарбиялашдир. Жумҳурият раҳбарлари томонидан қобилиятли ёшларни ҳатто хорижий мамлакатларга юбориш режалари амалга оширилаётганлиги қувонарли. Ҳа, йиллар мобайнида кўп нарсаларни бой бергандик. Эндиликда шу бўшлиқни тўлдирмоқ учун ҳар фурсат ғанимат.

1990 йилнинг апрель ойида Хитойнинг Шеньян дорилфунунидан профессор Чен Хон Бин, доцент Чжан-Хон-Зи ва доцент Чую-Буолар вакил бўлиб келишди. Уларнинг ташрифи ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлди. Тошкент Давлат дорилфунуни ҳамда Шеньян дорилфунуни ўртасида бундан буён илмий ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Шартноманинг биринчи босқичида тил ўрганиш учун биз ва Хитой томонидан иккитадан ўқитувчи айрибошланади. Ҳамкорлик мобайнида китоблар ва илмий мақолалар билан бир-бирларини таъминлаш ҳамда уларни чоп этиш йўлга қўйилади. Кейинги босқичда эса талабалар айрибошланади ва улар бевосита Шеньян ёки Тошкент дорилфунунлари куллиётларида мутахассислик бўйича таҳсил кўрадилар. Шартноманинг ўзига хос томони шундаки, айрибошлашлар ўзаро келишувга биноан валютасиз амалга оширилади. Бу икки томонга ҳам қулайлик туғдиради. Ҳозирча икки йил муддатга тузилган аҳднома келажакда лешма-пеш узайтириб борилаверади.

...22 майда жавоб ташрифига кўра профессор Л. Т. Турсунов раҳбарлигида, профессор К. И. Иванова ва профессор Б. З. Зариповлар ҳамроҳлигида Хитойга йўл олдик. Москвадан Пекингача тайёрамиз саккиз соат парвоз қилди: Йўлда ҳаёлимни китобларда ўқиганим кўҳна Хитой ва Ўрта Осиё муносабатлари тарихи тамом банд этади. Қадимдан Хитой императорлари Ўрта Осиё ҳукмдорлари билан ҳарбий иттифоқ тузишга интилиб келганлар. Эрамиздан аввалги II асрда император Ву Динииг элчиси Чжан Цянь ҳам Ўрта Осиёга худди ана шу ният ила қадам босганди. Гарчи у бундай шартнома туза олмаган бўлса-да, тижорат ишларида доимо ҳамкорлик қилиб туришга эришади. Чжан Цянь бошчилигидаги элчилар Хитойга қайтишгач, (эр. авв. 126-й.) император Ву Ди ҳар йили буюк қўшнисига одамларини жўнатиб турган. Император Фарғонадан олиб борилган отларни ниҳоятда қадрлаган. Элчи Чжан Цянь Ўрта Осиёдан зотли арғумоқлар билан бирга уларнинг емиши беда уруғини ҳам ўз юртига келтирган. Кўҳна Чиндан эса буларнинг эвазига ипак ва турли чинни идишлар чиқарилган. Темурийлар даврида ҳам узун карвонлар ипак йўлидан гоҳ у томон, гоҳ бу томонга қатнаб турган. Ана шундай карвонларнинг бирида Шоҳрух ва Улуғбекнинг элчилари бўлиб, император Чжу Ди давлатига яхши ният билан қадам қўйганди. 1419—1422 йилларда амалга ошган мазкур тарихий сафар тўғрисида Ғиёсиддин Наққош ўз кундаликларида ёзиб қолдиради.

Ҳа, кўҳна тарих саҳифаларида икки қўшни давлат ўртасидаги алоқалар ҳақида нелар рақам этилмаган дейсиз. Қандай замон бўлмасин, одамлар бир-бирларидан баҳра олиб яшашган... Паришон хаёлларимни тайёрамизнинг ерга оҳиста қўнаётиб силкиниши тўзғитиб юборди. Пекин тайёрагоҳидан Шеньянгача бир соат учдик. Шеньян Ляонин вилоятининг марказий шаҳри бўлиб, Хитойда мавқеи жиҳатидан тўртинчи ўринда турар экан. Саноат шаҳри. Аҳолиси 5 миллион 600 минг кишига етади.

— Кечирасиз, Анатолий Саъдуллаевич, биздаги мавжуд таълим-тарбия билан Хитойдаги ўқитиш ишларини муқояса қилсангиз. Умуман, Хитой олий таълимидаги ўзига хослик нималардан иборат.

— Улардаги дорилфунун тузилиши биздагидан анчайин фарқ қилади. Масалан Шеньян дорилфунуни қошида алоҳида институтлар мавжуд. Улар қишлоқ хўжалиги, педагогика, молия-иқтисоди, маъмурий ва радио-телевидение институтлари бўлиб, ўқиш муддати мутахассислигига қараб уч ёки тўрт йилгача чўзилади.

Педагогика институти тузилиши жиҳатидан дорилфунунимизга яқин туради. Мазкур даргоҳда талабалар уч йил таҳсил олишади. (Хитойда ўқитувчи кадрлар етишмайди.) Моддий техника базаси ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳавас қилса арзийди. Ҳар бир куллиёт техника асбоблари: лингофон, компьютерлар ва телестудиялар билан жиҳозланган. Ўқитувчилар маърузаси керак вақтда видеомагнитафонлар воситасида ёзиб олинади. Бундай видеомаърузалар сиртқи бўлимда ўқийдиган талабаларга жуда асқотади. Аппаратларнинг аксарияти АҚШ ва Япония фирмаларига дахлдор. Бироқ, хитойликлар ўз машиналарини ҳам қадрлашади. Ўқиш хоналарига кирсанг, дилинг равшан тортади. Ҳамма нарса саранжом-саришта. Талабалар ниҳоятда маданиятли, ҳатто дарсхоналарига пойабзалларини ечиб, бошқаси билан киришади. Стол, курси ва деворларга тиғ урилмаган. Хаёлан ўзимизнинг дарсхоналарда кўрганларим билан солиштирар эканман, катта тафовут борлигидан қизариндим.

Таълимда мажбурийлик йўқ, талабалар ўз ихтиёрларига кўра дарсга қатнашадилар. Яна бир нарса мени ҳайратлантирди. Дорилфунун даргоҳида кўргазмали ташвиқот воситалари — плакат ва шиорлар умуман йўқ ҳисоби. Лекин талабалар ғоявий жиҳатдан анчайин пишиқ. Улар ғоявий-сиёсий ишларга катта эътибор беришар экан. Ҳатто, пединститутда сиёсий тарбия куллиёти мавжуд. Ҳарбий таълим программаси биринчи курснинг бошида уч ҳафталик йиғин билан якунланади. Ўқув дастурлари аниқ, ҳаётга яқин қилиб тузилган.

Хитой талаба ёшлари орасида спорт кенг оммалашган. Ётоқхоналарда эрталаб бир вақтда уйқудан турилиб, ҳар киши камида бир соат бадантарбия қилиши шарт. Ётоқлардаги талабалар ниҳоятда интизом билан яшашади. Кечки дам олиш соатлари ҳам бир вақтда бошланади. Шундан сўнг ҳеч қандай шовқин-сурон бўлмайди. Умуман хитойликларнинг аксарияти назокатли. Талабалар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишади. Ҳар хил концерт ва баҳслар ёшлар кечасига файз киритади. Гарчи хитой ёшлари европача маданиятни қабул қилган бўлса-да, ўзларининг ўша қадимий анъаналари асосида сингдирилган тарбияларига содиқ қолганлар. Шу боис бўлса керак, талабалар орасида, айниқса, қизлар ўртасида ичиш ва чекиш ҳолларини учратмадик. Талабага кундалик эҳтиёжлари учун давлат томонидан ойига 50 юань нафақа берилади.

Ўқитувчи ва талаба муносабати дўстона асосда қурилган. Улар бири бирига тобе эмас, балки ҳамкасаба, ҳаммаслак киши сифатида мурожаат этишади. Хуштавозелик ва хушмуомалалилик хитойликларга хос фазилат. Илк кузатишларимга суяниб шуни таъкидлаш мумкинки, Хитойдаги мактаб ҳамда олий таълим системаси ўз олдига энг аввало ҳар томонлама шаклланган маданиятли шахсни, таъбир жоиз бўлса, мумтоз шахсни тарбиялашни бош мақсад қилиб олган.

— Сиз тарихчи — археолог (осоршунос) олим сифатида, албатта Хитойдаги ўтмиш осори-атиқалари ва уларга ёшларнинг муносабати масаласига ҳам қизиққан чиқарсиз.

— Биласизми, Хитойда ҳар қадамда ўтмиш тарихидан сўйлаб тургувчи нимадир бор. Делегациямиз аъзоларига бу юртнинг бош муқаддас зиёратгоҳларидан бири саналгувчи Конфуцийнинг Цюйфудаги мақбарасини зиёрат қилиш насиб этмади. Бироқ, 20 гектар майдонга жойлашган мазкур саждагоҳ ҳақида бизга завқ-шавқ ила ғапирганларида, шундай улуғ мутафаккирга муносиб авлодлар бўлганларига таҳсинлар айтдик.

Ўрта Осиё сингари Чин юрти ҳам рамзлар ва афсоналар ўлкаси. Рақамлар, ранг ва жонзодлар тимсолида ҳам ўзига хос рамз ва маъно туйишади. Эски Пекинда бир қатор қурилган уйларни деярли учратмайсиз. Бинолар бири иккинчисидан олдинроқ суриб бунёд қилинган. Чунки эски ақидаларга кўра тўғри йўллар ёвуз руҳларнинг ҳаракати учун қулай бўлгани билан хавф туғдирар экан. Гарчи булар афсона эса-да, ҳар бир хитойлик учун муқаддас.

Қадимги Хитойда хаттотликка алоҳида эҳтиром билан қарашган. Халқда, хат бу қалбнинг суратидир, деган нақл бор. Маълумки, хитой иероглифларининг умумий миқдори 80 мингга етади. Асрлар мобайнида бу ёзув сайқал топаверган. Муқаддас Конфуций китобларининг мутолааси учун 7 минг белгини ўзлаштириш лозим бўлган. Азалдан хитойликлар иероглифлар битилган қоғозларга айрича ҳурмат билан муносабатда бўлганлар. Мураббий Конфуций таълимотида ҳам, ёзилган қоғозни топташ ёҳуд бирор нарса ўраш қатъий ман этилади. Бу донишмандларнинг меҳнатини қадрсизлантириш деб талқин қилинган. Шундан бўлса керак ҳозирги талаба ёшлар ҳам китобга алоҳида меҳр билан қарашади. Тарихига ва тарихий ёдгорликларига бўлган муносабати ибрат олгулик. Хитойликлар болаларига ёшлигиданоқ ўз она тарихларини сингдиришга ҳаракат қиладилар. Шу туфайли музейлар доимо гавжум. Ҳа, хитойликлар салафлари қолдирган маданий меросни муносиб сақлаётган ва сақлаш борасида бутун жаҳонга тарғиб қилаётган улуғ халқдир.

— Жамиятимизда рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар кўпгина хорижий мамлакатлар фуқароларида ҳам қизиқиш уйғотди. Шу маънода хитойликларнинг совет воқелигига ва умуман совет кишиларига муносабати ҳақида тўхталсангиз.

— Яқин ўтмишда ташвиқот-тарғибот воситаларимиз Хитой ҳақида бир томонлама тасаввур уйғотиб келганди. Улар тўғрисида кам ёзилар, ёзилгани ҳам бир хил андоза ўлчовида бўларди. Демократия ва ошкоралик бундайин калтабин сиёсатга барҳам берди. Неча асрлардан буён қўшни турган хитойликларга яна қўл бердик. Ўртага совуқчилик оралаган йилларда хитой ёшлари япон ва инглиз тилларини ўрганишга зўр берган бўлсалар, эндиликда рус лисонини жадал ўзлаштирмоқда. Хитойда ўрта ҳамда кекса авлод вакиллари икки халқ ўртасида бўлиб ўтган ҳамжиҳатликни яхши эслашади. Улар бизни миллатимиздан қатъи назар, сулянь, яъни совет дейишади. Совет қўшиқларидан «Катюша»ни севиб ижро этадилар.

Ҳар қандай калтабин сиёсат халқаро муносабатларда совуқчилик солишга уринсада, уни батамом узиб қўйишдан ожиз. Бунга биз Шеньянда совет солдатларининг қабристонида бўлганимизда яна бир бор амин бўлдик. Бу ерда 1945 ва 1950-51 йиллардаги уруш даврида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасига тикланган ёдгорлик бор. Мармар лавҳада руслар, украинлар, татарлар ва белорусларнинг номлари қайд этилган. Марҳумлар рўйхати ичидан гвардиячи катта лейтенант Худойберганов номи диққатимни тортди. Қабрларни бирма-бир зиёрат қилар эканмиз, шу юртнинг озодлиги йўлида жон фидо этганларнинг хотираси доимо ардоғда эканлигини кўриб, хитой халқининг буюклигига яна бир имон келтирдик. Бундан ташқари Ҳарбин ва Далян шаҳарларида ҳам совет аскарининг жасоратига тикланган ҳайкаллар бор. Қизиғи шундаки, муносабатларимиз чигаллиги даврида ҳам ҳеч ким мазкур ёдгорликларга дахл қилмаган.

Ҳамкорлигимизда янги бир давр очилаётгани кўпгина хитойликлар томонидан катта хайрихоҳлик ила қаршиланаяпти. Бизни энг азиз меҳмон сифатида кутиб, дастурхон ёзиб туз тортганларида бунга минг карра амин бўлдик. Хитойликларнинг меҳмон кутиши ўзининг қайсидир томонлари билан ўзбекникига ўхшаб кетади. Назаримда, бу муштараклик уларнинг самимийлигида. Дастурхонда олма, нок, апельсин ва албатта, хушбуй кўк чой бўлади. Мезбонлар чой дамлашга катта эътибор беришади. Чойни қайноқ ичиш хитойликларга хос одат.

Хитойда ислоҳот давом этаётир. Бошланган иш аллақачон самараларини бермоқда. Юрт анчайин маъмурлашган. Озиқ-овқат ва саноат моллари дўкон пештахталарида сероб. Кишилар дўкон олдида бирор нарсага маҳтал бўлиб навбатда турганларини учратмадик. Шунга қарамасдан Хитойнинг ҳам ўз ижтимоий муаммолари талай экан. Уй-жой ва демография масалалари хитойликларни доимо ташвишлантириб келаётир. Бу ерда қизлар йигирма, йигитлар эса йигирма икки ёшидангина турмуш қуриши мумкин. Тўйга узоқ вақт тайёргарлик кўришади. Ёш оилага неки зарур бўлса, ҳозирланади. Ёш оилада фақат биргина фарзандга рухсат берилади, холос. Иккинчи боланинг дунёга келиши ота-онага қувонч ўрнига бир олам ташвиш келтиради. Бу ҳолда ҳукумат томонидан катта жарима солинади. Умуман хитой халқи ўзининг меҳнатсеварлиги билан вужудга келган муаммоларни аста-секин бартараф қилаётир. Ҳа, меҳнат орқасидан кун ўтказиш хитойликларнинг қонқонига сингиб кетган. Шунданми, Шеньянда ўғирлик ва босқинчилик деярли учрамас экан. Хитой кўчаларини тўлдириб велосипед ҳайдаб кетаётган ана шу дилкаш одамларни севмаслик мумкин эмаслигини англайсан, киши.

Афсонавий Чин юрти билан хайрлашарканмиз, дилимизда ва тилимизда ният туғилди. Икки улуғ халқнинг ўртасида бундан буён Хитой деворлари бўлмасин. Эзгулик йўлидаги ҳамкорлигимиз давом этаверсин.

Аброр ХИДИРОВ
суҳбатлашди.



Дунёда касб-кор кўп. Бирбиридан ажойиб. Меъморчилик касбининг довруғи ўзгача. Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий масканлардаги обидаларга қараб хоҳлаймизми, йўқми унинг ижодкорларига таҳсинлар айтамиз. Қорақалпоғистонлик меъмор Ўрозбой Эшимбетов ёш бўлса ҳам кўпчиликка танилди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Касбни ёшдан дейди, доно халқимиз. Кимки касбига ёшлигидан меҳр қўйса, умрининг охиригача тарк этмайди. Қишлоқдан чиққан эмасми, ёшлигидан меҳнатда чиниқди, одамларни танииди.

Меъморчиликка бўлган қизиқиш йигитни пойтахт сари чорлайди. 1972 йили у ТошПИнинг архитектура факультети кечки бўлими толиби бўлди. Ўқишни тугатгач, жумҳурият шаҳар қурилиши илмий текшириш институтида ишлади. Лекин синовлар ҳали олдинда, энг асосийси — эл меҳрини қозониш эди. Гоҳида силлиқ, гоҳида... Кайфият тушиб, юраги сиқилган ҳоллари ҳам бўлган. Тушкунликка тушса, устози С. М. Сутягиннинг олдига борарди...

Хуллас, у ўзининг жондан ортиқ севган касбига содиқ қолди. Бирмунча муваффақиятларга эришди. СССР Меъморлар уюшмасининг аъзоси бўлди. Бир неча бор ёш меъморларнинг халқаро беллашувида қатнашди. «ТЭТ Дефанс» (Париж), «БАМнинг қўшилиш рамзи», «Самарқанд куранти» (учинчи ўрин) лойиҳаларини яратишдаги қилган меҳнатлари самарали бўлди. Қардош Тожикистоннинг пойтахти Душанбени 2,5 минг томошабинга мўлжалланган киноконцерт зали безаб турибди.



Бу муҳташам бинонинг дунёга келишида Ўрозбойнинг ҳам ҳиссаси бор. Ўрозбой гарчанд она юрти Қорақалпоғистондан анча узоқда ишлаётган бўлса ҳам, бир зум унинг ташвишу-дардларини эсидан чиқармайди. Инсон аввало ўз туғилган эли учун хизмат қилмоғи керак, дейди, у.

Яқин йиллар ичида Нукусда жумҳуриятда иккинчи «Ёпиқ бозор» (юқоридаги суратда) ансамбли ишга тушади. Ёпиқ бозорнинг умумий майдони 3 минг квадрат метр. 3 қаватли бинода харидорлар учун жуда кўп қулайликлар яратилади. Бинонинг биринчи қавати бозор, иккинчисида озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари, чойхона, юқори қаватида эса 60 ўринга мўлжалланган меҳмонхона бўлади. Бозорга туташ жойда уч қаватли яна бир савдо объекти ишга тушади. Шуни айтиб ўтамизки, бу бино ҳозирги замон талаби асосида қурилмоқда. Бу ерга ташриф буюрган киши вақтини тежайди. Бир йўла саноат ва уй-рўзғор буюмларини харид қилиш билан маиший хизмат юмушларини ҳам битириб кетади. Бинонинг биринчи қаватида маиший хизмат хоналари (сартарошлик, соатсозлик, спорт, косметика ва ҳоказолар) бўлса, иккинчи ва учинчи қаватларида универсам, универмаг жойлашади.

Айни кунларда Ўрозбой ижодий изланишларни давом эттириб мухтор жумҳурият кутубхонаси лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. У билан суҳбатимиз редакциянинг мўъжазгина хонасида ўтарди. Фурсатдан фойдаланиб кейинги йилларда меъморчиликда миллийликка эътибор берилмай қўйганлигининг сабабларини сўрайман.

— Ҳаммаси қўлимизда жумҳурият шароитидан келиб чиқиб, унга мос қилиб яратилган СНиПнинг йўқлигидан! — дейди куюниб Ўрозбой. (СНиП қуриш нормалари ва қоидалари). — Мана бу эшик дубдан ишланган, пишиқ. Лекин у одамга на эстетик завқ бера олади, на кайфият. Агар бу янги замонавий ўймакорлик усулларида безалганида, ҳар қалай кўз қувонарди. Аммо яна бир нарсани таъкидлаш лозим. Миллий меъморчилик фақат безак эмас, балки яшаш тарзи ва анъаналардан, иқлимдан келиб чиқиши лозим.

Ўйламай қилинган ишнинг фойдасидан зиёни кўп. Кейинги пайтда архитектурамизда бир хилликка йўл қўйилмоқда. Журналистлар бу ҳақда қанча чиқишлар қилмасинлар, яна ўша-ўша гугурт қутисидек бинолар тизилишиб қолмоқда. Менимча маҳаллий шарт-шароит миллий анъаналарни ҳисобга олган СНиП тўғрисида бош қотириш вақти етди. Ахир қанчадан-қанча истеъдодли меъморлар яратган ажойиб илмий ишлари турли комиссияларнинг «кўрик»идан ўта олмай қолаяпти. Бизникилар бир нарсани илиб олишган: арзон тушадиган ва тез қуриладиган бўлсин. Арзонга ва тез қурамиз деб оқибатини ўйламаймиз.

Ўйланиб қоласан киши. Нега энди ўша юқорида тилга олинган ҳужжатлар мажмуасининг бошқа вариантини яратиш мумкин эмас? Нега энди биз ўзимизни вақтинчалик арзонга уриб, бир умр таъмирга тутиб беришимиз керак? Санайверсак бу негаларнинг охири бормикан? Ишончимиз — суянчимиз эса фақат ёшлар. Лоақал улар туғилиб ўсган юртларида асрлар билан рақобатлашадиган, мустаҳкам бинолар барпо этишар.

Мирза АБДУЛЛА.

Спорт

ТЎРТ ДАЪВОГАР



ИТАЛИЯ '90

Жаҳон чемпионатининг чорак финал ўйинлари ҳам ниҳоясига етди. Саккиз командaнинг ҳар бири ўйиндан чиқиб кетмаслик учун кескин кураш олиб борди...

Аргентина — Югославия терма командалари учрашувига ажратилган 90 минутда ҳисоб очилмади. Қўшимча берилган 30 минутда ҳам ғолиб аниқланмади. Аргентиналиклар катта умид боғлаган Марадонанинг эркин ҳаракат қилишига югославиялик ҳимоячилар анча тўсқинлик қилишди. Тўғриси, уни тез-тез чалиб йиқитишди. Чемпионатнинг энг ҳаяжонли ўтган бу ўйинида ғолибни аниқлаш учун пенальтилар белгиланди. Бундай пайтда биргина хато бутун команда тақдирини ҳал қилиши мумкин. Ана шу масъулиятни ҳис этишнинг ўзи футболчини ортиқча ҳаяжонга солади, хатога йўл қўйишга олиб келади. Шундай ҳам бўлди. Югославиянинг энг яхши ҳужумчиси Стойкович тепган тўп Аргентина дарвозаси тўсинига тегиб қайтди.

Футбол «юлдузи» Марадона ҳам дарвозани нишонга ололмади. У тепган тўпни дарвозабон маҳорат кўрсатиб ушлаб қолди. Сўнгра унинг командадоши Троглео ҳам мўлжални аниқ ололмади. Тўп дарвоза устунига тегиб қайтди. Югославияликларнинг ғалаба қозониши ойдинлашиб қолган эди. Бироқ, Аргентина командаси дарвозабони Гойкоэчеа ўз командасини мағлубиятдан асраб қолди. У икки марта тўпни қайтариб қолишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, жаҳон чемпионлари 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга йўлланма олишди.

Италия — Ирландия учрашуви ҳам кескин вазиятда ўтди. Майдон эгалари 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Камерун футболчилари англияликларга 0:1 ҳисобида ютқазишаётган эди. Кейин 2:1 ҳисобида олдинга чиқиб олишди. Афсуски, ўйин тугашига озгина қолганда англияликлар пенальтидан ҳисобни тенглаштирдилар. Қўшимча берилган вақтда омад англияликларга кулиб боқди. Улар яна 11 метрлик белгидан тўп киритиб, учрашувни ўз фойдаларига ҳал қилишди.

Энди финалда қуйидаги командалар учрашадилар: Италия — Аргентина, ГФР — Англия.

ПЛАТИНИ ЖАЗОЛАНДИ

Франциядаги Лион шаҳар суди мамлакат футбол командасининг катта тренери Мишель Платинига тўрт ойлик шартли қамоқ жазоси ва 300 минг франк (53,5 минг доллар) жарима солиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Собиқ футболчи бир пайтлар ўзи ўйнаган «Сент — Этьенн» клубининг «Қора касса» ишларида қатнашганликда айбланади. Платини билан биргаликда ўша пайтда шу клубда ўйнаган барча футболчилар ҳам жиноий жавобгарликка тортилдилар. Мазкур клубнинг президенти 70 яшар Роже эса тўрт йил қамоқ (унинг 30 ойи шартли) жазоси олди. Шунингдек у 45 минг доллар жарима ҳам тўлашга мажбур.

ҒОЛИБЛАР САФИДА

Минскда «Советские профсоюзи» журнали соврини учун халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда юздан зиёд дзюдочи қизлар ва йигитлар иштирок этишди.

Ҳамюртимиз чирчиқлик Д. Соловьев ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди. Қизлар ўртасида эса франциялик Р. Тулуз энг маҳоратли дзюдочи эканлигини исботлади.

ТВ

4 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Элегия». Телефильм. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Кундузги сеансга икки билет». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-90». Она тили ва адабиёт. 18.10 «Дангаса кўйлак», «Хўтикча». Мультфильмлар. 18.25 «Совет — Япон ҳамкорлиги йўлидан». 18.50 «Зарблардан рақсларга». Мусиқий кўрсатув. 19.25 «Тижорат хабарлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Фан уфқлари». Ирсият муҳандислиги. Муаммо ва ечимлар. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Онахон Тожибоева ижоди ҳақида. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти. 18.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чернобиль нидоси» (рус тилида). 19.05 «Йигит ҳамиша йигит». Бадиий фильм («Туркманфильм»).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Италиядан кўрсатилади. 10.15 «Шу куннинг воқеаси». Киножурнал. 10.25 Халқ куйлари. 10.40 «Ғалаба ворислари». «Қасамёд қабул қилмай туриб...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Капитан Немо». 1-серия — «Темир кит» (Одесса киностудияси). 16.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.30 «ТелеЭКО» журнали. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Бош директор». Телевизион ҳужжатли фильм (Ростов-Дон). 19.10 «Довюрак бўлиш осонми». Мультфильм. 19.20 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Рига киностудияси). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурс кундалиги. 21.45 Долзарб интервью. 22.00 «Мезон». Яна Маяковский ҳақида. 22.20 «Сиз мени шунчаки Дот деб аташингиз мумкин...» (Москвадаги Америка легионининг духовой оркестри). 23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТII

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 8.25 «Жониворлар табиатда». 8.55 Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Пабло Пикассо. 9.55 Л. Н. Толстой. «Болалик. Ўспиринлик. Ёшлик». Телеспектакль. 1-қисм — «Болалик». 11.15 «Сувда цирк». 12.05 Болалар учун фильм. «Бурилиш ортида, у ерда нима гап?». 1-серия (Одесса киностудияси). 13.08 «Имкон беринг тинчликка». Сиёсий қўшиқ ҳақида фильм-концерт (Ленинград). 13.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Яйловдаги йилқи» (Ростов-Дон), «Муқаддас жойлар» (Фрунзе шаҳри). 14.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 7-фильм. 2-серия.

* * *

16.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Петянинг саргузаштлари». 19.45 «Зурриёт». Она ва бола саломатлиги муаммолари ҳақида (Чебоксари шаҳри). 20.20 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.25 «Испан соати». Фильм-концерт (Ленинград). 21.25 «Муҳаббатни баҳам кўрайлик». Бадиий фильм («Мосфильм» — «Бояна», Болгария).

АХБОРОТ

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг Фармонига биноан СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси тавсиясига кўра давлат хавфсизлиги органлари ходими номуси ва қадриятига доғ туширувчи ҳатти-ҳаракати учун Калугин Олег Данилович давлат мукофотларидан маҳрум қилинди.

СССР Вазирлар Кенгаши қарорига биноан кўрсатилган ҳатти-ҳаракати учун у заҳирадаги генерал-майор ҳарбий унвонидан маҳрум қилинди.

СССР ДХҚ раисининг буйруғи билан Калугин О. Д., шунингдек, «Давлат хавфсизлиги фахрий ходими» нишони ҳамда бошқа маҳкама мукофотларидан маҳрум қилинди.

ТАСС.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04651.
Д. — 23493.